

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

“Сув хўжалигини бошқариш ва унинг «Сув хўжалиги иқтисоди» кафедраси
иқтисодиёти” факультети

Ҳимояга рухсат этилсин
кафедра мудири
_____ и.ф.н. С.Умаров

«_____» _____ 2013 йил

**Бакалавр даражасини олиш учун
МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ**

**Мавзу: ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

(Пайариқ тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мисолида)

Бажарувчи:

4-курс 1-гуруҳ талабаси

Абдирахмонов С.

Битирув иши раҳбари:

и.ф.н. З.Муқимов

Тошкент – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш	3
..	
Пайариқ туманининг ҳудудий жойлашиши ва табиий-иқтисодий шарт-шароитлари.	5
.	
Асосий қисм	
1 Фермер хўжалиги ҳақида тушунча, унинг мақсад ва вазифалари.	8
..	
2 Қишлоқ хўжалик юритиш шакллари ва улардаги бошқариш тизимидаги ўзгаришлар	12
..	
3 Республикамиз фермер хўжаликларини ташкил этиш босқичлари ва улар фаолиятининг ҳозирги ҳолати..	24
.....	
4 Фермер хўжаликларини ривожлантиришга тўсик бўлаётган муаммолар..	36
.	
5 Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари..	44
.	
Ҳуқуқий қисм..	49
.	
Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги..	53
.	
Хулосалар ва таклифлар..	58
.	

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..	61
.	
Интернет материаллари..	64
..	

КИРИШ

Маълумки, республикаимиз агросаноат мажмуида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида тармоқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи асосий субъект сифатида фермер хўжаликлари танлаб олинди. Чунки, бунга асосий сабаб фермер хўжаликларининг бозор иқтисодиёти талабларига нисбатан тезроқ мослашиши, бошқарув ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги қулайлиги ва юқори моддий манфаатдорлик асосида фаолият юритиш имкониятининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Ривожланган мамлакатларнинг узок даврли тажрибасидан фермер хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини ўзида намоён этиши кўрилган. Ўзбекистонда ҳам фермер хўжаликларининг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, улар фаолиятининг зарур иқтисодий шарт-шароитлари яратилди ва меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

Аммо, юқорида қайд этилган ижобий ишлар билан биргаликда, фермер хўжаликларини ривожлантиришда уларга сервис хизмати кўрсатиш тизими, шу жумладан, хизмат турлари, сифати ва баҳои номуносивблигида баъзи бир камчилик ва салбий оқибатлар кузатилмоқда.

Юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкаларини мақбуллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъекти саналган фермер хўжаликларида ўтган йилларда амалга оширилган ўзгариш ва ислохотлар истиқболда йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигининг ошиши ҳамда унинг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди.

Эндиликда мамлакатимиз Президентининг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш тармоқда ислохотларни янада чуқурлаштиришни талаб этади. Чунки, фермер хўжалигини таркибий ўзгартиришлар натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, уларга сервис хизмати, моддий-техника хизмати кўрсатиш тизимини бозор принциплари асосида ташкил этиш асосида кўп тармоқли фермер хўжаликларини шакллантиришни заруриятга айлантирмоқда.

Шунингдек, мазкур фармонда истиқболда фермер хўжаликларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш тадбирлари белгиланган. Хусусан, “Истиқболда – 2013-2017 йиллар давомида 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ва бунинг учун давлат ҳисобидан имтиёзли кредит беришни йўлга қўйиш, тизим жорий этилган майдонларни 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этиш кўзда тутилган”¹.

Шу нуқтаи назардан истиқболда фермер хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни моддий-техник таъминотини модернизациялаш ҳамда инфратузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш бугунги кундаги долзарб масалалардан саналади.

¹ Каримов И.А. “Бош мақсадимиз кенг қўламли ислохот ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. Халқ сўзи, 2013 йил, 19 январь.

Пайарик туманининг ҳудудий жойлашиши ва табиий-иқтисодий шарт-шароитлари

Пайарик тумани 1926 йил 29 сентябрда Самарқанд вилоятида ташкил этилган (маркази Челак қишлоғи бўлган). 1953 йилда тумanning бир қисмидан Наримонов тумани тузилган. 1959 йилдан Наримонов тумани Пайарик туманига қўшилган (маркази Наримонов қишлоғи). 1991 йилда тумандан Челак тумани ажралиб чиққан. 2001 йилдан эса яна Пайарик тумани билан Челак туманлари бирлаштирилиб, улар негизида Пайарик тумани ташкил қилинди (маркази Пайарик шаҳри). Пайарик тумани ўртача 610 м баландликда. Шимолий-ғарбдан вилоятнинг Қўшработ, ғарбдан Иштихон, жанубийдан Окдарё ва Жомбой туманлари, шимолдан Жиззах вилоятининг Фориш, шимолий-шарқдан Ғаллаорол туманлари билан чегарадош. Майдони 1,29 минг км². Аҳолиси 182,9 минг киши (2003). Туманда 2 шаҳар (Пайарик, Челак), 6 қишлоқ фуқаролари йиғини (Гулистон, Кўкдала, Кўлтўсин, Саноат, Чоштепа, Қорасув) бор. Туман маркази — Пайарик шаҳри.

Туман ҳудуди Нурота тоғ тизмаларининг жанубида жойлашган. Рельефи шимолда тоғлар, адирлар, тоғ оралиғи ботиқлари, жанубий қисми эса текисликлардан иборат. Тупроқлари, асосан, оч бўз тупроқ, тоғ этакларида тўқ бўз тупроқ, жигарранг ва қўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари.

Иқлими кескин континентал. Йиллик ўртача температураси 13,4°, январнинг ўртача температураси - 1,2°, июлники 27°. Энг юқори температура 45°, энг паст температура — 28°. Вегетация даври 196 кун. Йиллик ўртача ёғин 312 мм, асосан, қишда ва тоғлардан оқиб тушадиган майда сойлар баҳор ойларида Сағаноксойга бориб қуйилади. Жанубий текислик қисмидан Зарафшон дарёсининг ирмоқлари — Қорасув ва бошқа майда сойлар оқиб ўтади. Экинларни суғоришда Зарафшон ва бошқа дарё ҳамда сойлардан фойдаланилади.

Пайариқ туманида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, уни мониторингини юритиш жараёнларини туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошқаради. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органи ҳисобланади ҳамда ўзига тегишли юкланган вазифалар ва функцияларни тегишли туман ҳудудида амалга оширади.

Бўлимнинг вазифалари:

Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- селекция, уруғчилик ва агротехнологияларни яхшилаш ишларини ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалиги экинларини ўстиришни янги технологияларини жорий этиш;
- қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширилиши, қишлоқ хўжалигида ижара ва пудрат муносабатларини ривожлантирилиши ишларини ташкил этиш ва мониторингини юритиш;
- фермер хўжалигини кенг ривожланишига ҳар томонлама кўмаклашиш;
- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатиш бўйича бозор инфратузилмаси ривожлантирилишини ташкил этиш;
- ер ва сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- туман қишлоқ ва сув хўжалиги сув истеъмолчилари бўйича сув фойдаланиш лимитларини белгилашга доир таклифлар тайёрлаш, бозор принциплари ва механизмлари амалга оширилишига, шунингдек сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартибига риоя қилишига кўмаклашиш;
- лимитланган сувдан тежаб фойдаланганлиги учун туман сувдан фойдаланувчилари рағбатлантирилишини ташкил этиш;
- сув истеъмолчиларининг сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишини назорат қилишда қатнашиш;

- Сув истеъмолчилари уюшмаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларини таъминлаш, уларни ташкил этилишига ва самарали фаолият кўрсатишига кўмаклашиш;

- хўжалик ички гидромелиорация тизимларини, сувни ҳисобга олиш тизимларини таъмирлаш ва ривожлантириш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек сувни тежовчи технологияларни жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш;

- илғор тажрибани илмий-тадқиқотлар, ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ишларини ташкил этиш;

- давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хариди бўйича контрактация шартномалари бажарилиши мониторингини ташкил этиш;

- наслчилик ишларини, ветеринария ва сервис хизматларини ривожлантириш, шунингдек чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- мутахассислар, малакасини оширишни ташкил этиш.

1. Фермер хўжалиги ҳақида тушунча, унинг мақсад ва вазифалари.

Республика қишлоқ хўжалигида давлат раҳбарлигида, босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида мулкнинг хилма-хил турлари ва уларга асосланган корхона турлари шаклланган. Жумладан, хусусий мулкга асосланган фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Янги таҳрирдаги “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида, “Фермер” хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир”, деб тушунча берилган. Ҳозирги даврда фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигида хўжалик юритувчи субъект сифатида кичик, тадбиркорлик вакили ҳисобланади. Чунки 2005 йилнинг 1-июлига битта фермер хўжалигида ўртача 6,5 та ёлланма ишчилар сони тўғри келган. Фермер хўжалиги зиммасига қуйидаги вазифа қўйилган. Яъни узоқ муддатга ижара ерлардан, мавжуд бўлган барча ресурслардан йил давомида оқилона, тўлиқ ва самарали фойдаланиш натижасида ички ва ташқи бозор талабларини қондирадиган миқдорда, сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, истеъмолчиларга ҳолда етказиш ҳамда турли хилдаги хизматлар кўрсатиш оқибатида кўпроқ фойда олиш. Бу фермер хўжалигининг сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган асосий мақсадидир. Уни тўлиқ ҳал этиш учун фермер хўжалиги бир қанча муҳим вазифаларни амалга оширишни белгилаб олади:

- 30 йилдан 50 йилгача ижарага олинган ер участкасида, шу ҳақдаги шартномага ва ихтисослашувга мувофиқ ўз ишлаб чиқариш фаолиятини тўғри ташкил этиш;

- хўжалик фаолиятини юритиш мақсадида амалга оширилиши зарур бўлган барча ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг сифати, ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайдиган турли хилдаги контрактация шартномаларини тўғри ва сифатли тузиш;

- экологик талабларга ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг барча қоидаларига риоя этишга эришиш;

- ижарага олинган ер участкаларини йил давомида оқилона, тўлиқ, самарали фойдаланиш мақсадида унинг унумдорлигининг оширилишини таъминлайдиган ирригация-мелиорация тадбирларини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда уларни вақтида, сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

- хўжалик фаолиятини самарали юритиш учун талаб этилган маблағларнинг миқдорини белгилаш ва уларнинг манбаларини оқилона аниқлаш, хўжаликда мавжуд бўлган барча ресурслардан самарали фойдаланишини таъминлайдиган тадбирларни аниқ ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этилишига эришиш;

- хўжалик уставида кўзда тутилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга қаратилган тадбиркорликни қўллаб, уларга камроқ меҳнат, маблағ сарфлаш эвазига ишлаб чиқариш, уларни истеъмолчиларга сифатли ҳолда етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш, мулкни мустақил, ўз ҳоҳишига кўра тасарруф этиш;

- тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари (пахта, дон) учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти назарда тутилган миқдорда, сифатда етказиб берилишини таъминлаш;

- харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс контрактлари тузиш;

- маркетинг ишларини амалга ошириб, сотадиган барча турдаги давлат буюртмасидан ташқари бажараётган ишлари ва кўрсатаётган хизматларига эркин нарх белгилаш;

- ўз фаолиятининг барча соҳаларида фан ютуқларини, янги техника ҳамда самарали технологияларни изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этиш;

- барча ходимларининг билим ва малакасини давр талабини эътиборга олган ҳолда ошириш, уларни маънавийатли, маърифатли, ҳалол, пок,

муомалали яхши инсонлар бўлишини таъминлаши, улар меҳнатининг натижасига қараб моддий ва маънавий рағбатлантириш;

- солиқлар, йиғмалар ва бошқа мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз вақтида тўлиқ тўлаш;

- тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар асосида юритиш, кўпроқ пул даромадларни олиш, уларни мустақил тасарруф этиш, ҳажми чекланмаган миқдорда соф фойда олиш, унга эркин эгалик қилиш ва самарали фойдаланиш;

- акциялар ва турли хилдаги қимматли қоғозларни олиш;

- кичик бизнес корхоналари учун яратилган имтиёзлар ва проференцияларнинг барча турларидан имконият доирасида тўлиқ ва самарали фойдаланиш;

- ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш учун судга мурожаат этиш, зарур бўлган ҳолларда фермер хўжалигини давлат бош ислоҳотчи, қонун устиворлиги, эркинлик ҳамда мустақиллик ва бошқа томонлари асосида амалга оширса, самарали бўлади.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жойлаштириш мамлакат, иқтисодий районлар, вилоят ҳудудида алоҳида турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг географик нуқтаи назаридан ёки макон бўйича тақсимланиш жараёнини ўзида акс эттиради. Минтақада алоҳида турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва алоҳида ҳудудларнинг ялпи ва товар маҳсулоти ҳажмидаги улуши каби кўрсаткичлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштиришни тавсифлайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини табиий-иқтисодий зоналар бўйича оқилона жойлаштириш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва арзонлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштириш ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига олиб келади.


Меҳнатнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши алоҳида иқтисодий районлар ва минтақалар бўйича ишлаб чиқариш ихтисослашувининг чуқурлашувига имкон яратади. Ишлаб чиқариш ихтисослашувининг чуқурлашуви эса тармоққа фан-техника тараққиёти натижаларини жорий этишга олиб келади. Ўз навбатида ихтисослашувнинг ривожланиши ишлаб чиқаришнинг мужассамлашувига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни жойлаштириш, ихтисослашув ва мужассамлашув қишлоқ хўжалигида ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улардан биринг ўзгариши бошқаларида сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Шу жиҳатдан олганда бугунги кунда фермер хўжаликлари ташкилий нуқтаи назардан деҳқончиликка, чорвачиликка, сабзавотчиликка ҳамда боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган бўлади (1-расм).

1-расм

Фермер хўжалигининг ташкилий шакллари



Республикада фермерликни ривожлантиришнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий моҳияти қуйидагиларга қаратилган.

- қишлоқда турли турдаги мулк шакллари ва уларга эгалик қилиш, фойдаланувчи корхоналарни ташкил этиш, юритиш ва ривожлантириш;
- тармоқдаги барча мулкый муносабатларни шакллантириш, ривожлантириш, модернизациялаштириш ҳамда эркинлаштириш;
- турли мулкчиликга асосланган субъектларнинг эркин фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий, меъёрий, иқтисодий шароитларни яратиш;
- қишлоқдаги мулкдорлар синфининг мулкый онгини барқарор юксалтириш;
- қишлоқ хўжалигида янги иш жойларини барпо этиш, тармоқдаги аҳолини иш билан бандлигини юксалтириб, ишсизлар сонини камайтириш;
- аҳолининг ва қайта ишлаш саноати корхоналарини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни юксалтириш;
- аҳолининг даромадини кўтариш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш ва бошқалар.

2. Қишлоқда хўжалик юритиш шакллари ва улардаги бошқариш тизимидаги ўзгаришлар

Ўзбекистон аграр индустриал мамлакатдан индустриал аграр мамлакатга айланиб бормоқда. Мамлакат иқтисодиёти мустақилликнинг дастлабки 10 йилида кўпроқ аграр соҳа ва унинг асосини ташкил қилган қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлиб, бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши 30 фоиздан юқори бўлиб келди. Сўнгги йилларда иқтисодиётнинг бошқа соҳалари (транспорт коммуникацияси, автомобилсозлик ва ҳоказо) тез суръатлар билан ўсиб бориши ва иқтисодиётнинг янги йўналишлари ишга туширилиши натижасида, қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши пасайиб бормоқда. Аммо, шунини таъкидлаш лозимки, шу давр мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш камайгани йўқ, аксинча, тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Бу ўсиш албатта, бошқа соҳаларга нисбатан пастроқ даражада

эканлиги аграр соҳанинг шу жумладан, қишлоқ хўжалигининг мавқеи пасайганлигидан эмас, балки мамлакат иқтисодиётидаги ўрни, аҳамияти, жаҳондаги озиқ-овқат таъминоти муаммолари ва табиий-иқлим шароитининг глобал ўзгаришлари билан боғлиқ.

Аграр соҳада олиб борилган ва амалга оширилаётган ислохотлар икки муҳим йўналишни қамраб олади, булар:

- иқтисодиётдаги ўзгаришлар;

- қишлоқ хўжалигини вертикал бўйича вазирликдан тортиб (вилоят, туман) то қишлоқ хўжалик корхоналаригача бўлган тизимда бошқаришдаги ҳамда хўжалик миқёсида бошқаришдаги ўзгаришлар.

Қуйида шу ўзгаришлар тадрижий таҳлил қилиниб, уларни соҳани ривожланишига, соҳа иқтисодиётига ва умуман, мамлакат иқтисодиётига таъсирини ва ўрнини баҳолашга ҳаракат қилдик.

Иқтисодиётдаги ўзгаришлар. Маълумки, Ўзбекистон мустақил давлат бўлганидан сўнг, ўзининг мустақил аграр сиёсатини юритиш зарурияти асосий масала бўлди. Аввалги тизим аграр сиёсати биринчи навбатда, марказнинг буюртмасини бажаришни бош масала қилиб қўйган. Бу сиёсатда Ўзбекистонга собиқ иттифокнинг пахта базаси деб қаралган ва табиий-иқлим шароити қулай бўлишига қарамай, кўп турдаги маҳсулотлар (ғалла, сабзавот, картошка, гўшт, сут ва бошқалар) кам етиштирилган ёки умуман етиштирилмаган. Озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти бошқа иттифокдош республикалардан импорт қилиниши ҳисобига таъминланган.

Шуни ҳисобга олиб, мамлакат аграр сиёсати қайта кўриб чиқилди ва аҳолини ўзимизда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш устувор йўналиш деб белгиланди. Шунга асосан, экинлар структураси иккинчи йўналиш бўйича диверсификация қилишга киришилди. Пахта майдонлари қисқартирилиб, ғалла, сабзавот, картошка, мева ва узум етиштириш майдонлари кенгайтирилди.

Президент И.А.Каримов ташаббуси билан мамлакатда ғалла мустақиллиги дастури қабул қилинди ва бу дастур амалга оширилиши аҳолини ўзимизда етиштирилган дон ва дон маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, Ўзбекистонни ғалла импорт қилувчи давлатлар қаторидан, ғалла экспорт қилувчи давлатлар қаторига қўшилиш имкониятини берди. Агар биз иқтисодий кўрсаткичларга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакат бўйича 1990 йилга нисбатан 2010 йилга келиб асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми бир неча баробарга ошганини кўришимиз мумкин. Яъни 1990 йилга нисбатан ғалла 2010 йилда 379,3 %, сазавот 223,2 %, картошка 503,2 %, мева 258,9 %, узум 132,6 %, гўшт 169,3 % ва сут маҳсулотларини эса, 191,2 фоизга оширишга эришилди (1-жадвал).

1-жадвал

Республика бўйича асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш динамикаси, (1990-2010 йил)

Йиллар	Маҳсулот турлари (минг тонна ҳисобида)						
	ғалла	сабзавот	картошка	мева	узум	гўшт	сут
1990	1898,2	2842,5	336,4	660,4	744,7	484,4 *	3034,2
1995	3215,3	2724,7	439,9	602,3	621,0	508,7 *	3665,4
2000	3929,4	2644,7	731,1	790,9	624,2	501,8 *	3632,5
2005	6171,3	3517,5	924,2	851	589,1	1060,4	4554,7
2006	6546	4294	1021	1182	803,6	1139,4	4855,6
2007	6771	4691	1189	1269	880,3	1208,7	5097,5
2008	6730,6	5221,2	1398,7	1402,8	791,0	1287,9	5426,3
2009	7391,6	5704,7	1524,5	1542,9	899,6	1367,7	5779,0
2010	7200	6346,4	1692,9	1710,4	987,4	1461,4	5802
2010 йил 1990 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	379,3	223,2	503,2	258,9	132,6	169,3	191,2

*) сўйилган вазнда

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, иқтисодий ислохот йилларида барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш

кескин ўсган. Бундай ўсишга эришишда иқтисодий масалаларга, моддий манфаатдорлик масалаларини ҳал қилиш, етиштирилган маҳсулотга эгалик қилиш ва уни бозорларда эркин сотилиши, ғалла ва пахтадан бошқа барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмаси бекор қилиниши каби иқтисодий ўзгаришлар сабаб бўлди.

Шундай қилиб, иқтисодий ўзгаришлар ўз натижаларини бера бошлади, яъни маҳсулот етиштирувчилар ўзлари ва иқтисодиётни мустаҳкамлаш учун хизмат қилишларини тушуниб етдилар ва шунга асосан меҳнат унумдорлиги ҳам ошиб бормоқда.

Мамлакатда аграр ислохотлар бошлангунга қадар, хўжалик юритиш шакллари асосан уч турда бўлиб, уларнинг асосини давлат хўжаликлари (совхозлар), жамоа хўжаликлари (колхозлар) ва шахсий томорқа эгалари ташкил қилган. Ислохотларнинг дастлабки йилларида эса, хўжалик юритишнинг ўндан ортиқ турлари фаолият кўрсата бошлади, мулк давлат тасарруфидан чиқарилиб, мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келди. Хўжалик юритишнинг шакллари кўпайиши уларнинг қайси бири бозор муносабатларига тезроқ мослашишини амалиётда синаб кўриш имкониятини берди.

1993 йилда шахсий деҳқон хўжаликлари (ҳозирги фермер хўжаликларини ташкил бўлиши шундан бошланган) ташкил этиш бўйича тадбир ишлаб чиқилди.

Шу билан бир вақтда, чорвачилик фермаларини хусусийлаштириш ва шахсий чорвачилик фермалари ташкил қилиш ишлари ҳам кенг миқёсда амалга оширила бошланди.

Шундай қилиб, 1997 йилга келиб хўжалик юритишнинг ўндан ортиқ шакллари фаолият кўрсата бошлади. Булар қуйидагилардан иборат:

- давлат хўжаликлари (уруғчилик, наслчиликка ихтисослашган хўжаликлар ва илмий-тадқиқот институтлари тажриба хўжаликлари);
- жамоа хўжаликлари;

- ижара хўжаликлари (улар ижарачилар уюшмаси ҳам деб аталган);
- ширкатлар уюшмаси (собик совхозлар бўлимлари ширкатларга айлантирилиб, улар бирлашмаси ширкатлар уюшмаси ҳам деб атала бошланди);
- ҳиссадорлик (акциядорлик) жамиятлари;
- пайчилик жамиятлари;
- деҳқон (фермер) лар уюшмаси;
- мустақил фермер хўжаликлари;
- агрофирмалар ва шахсий томорқа эгалари.

Бундан ташқари, хусусийлаштирилган ва шахсий чорва фермалари ҳам фаолият юрита бошлади. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, хўжалик юритишнинг бу санаб ўтилган шаклларида мулкчилик шакллари ҳам турлича бўлиб, мулкка эгалик масалалари тўлиқ ўз ифодасини топмади.

Хўжалик юритишнинг санаб ўтилган шакллари маҳсулот етиштиришда ва улардаги бошқариш тизимида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ва бугунги кунда мужассамлашаётган бошқариш тизими юзага келишига маълум даражада таъсир кўрсатган.

Шундай қилиб, ўтиш даврининг иқтисодий ислохотлар жараёнида мулкчиликнинг ва турли хўжалик юритиш шаклларига асосланган субъектларнинг фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати ва ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари (ер, сув, ишчи кучи ресурслари)дан келиб чиққан ҳолда, шаклланиши бир томондан, маҳсулот ишлаб чиқариш кескин камайиб кетишининг олдини олган бўлса, иккинчи томондан, хўжалик юритишнинг турли шакллари бозор иқтисодиётига, бозор муносабатларига мослаша олиш ҳолатини ўрганиш имкониятини яратди ва учинчидан, мулкчилик шаклининг ўзгариши шароитида бошқариш тизимида юзага келаётган муаммоларни ҳам чуқурроқ ўрганиш ҳамда истиқболда хўжалик юритиш шаклларининг қайси бири яхши натижа беришини белгилаб олишга ёрдам берди. Хўжаликларнинг майдаланиши эса,

бир қатор ташкилий-иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Хўжалик юритишнинг турли шакллари ҳудуднинг шарт-шароити, аҳолисининг менталитети, сийрак ёки зич жойлашиши, ер ресурслари имкониятлари эътиборга олиниб танланиши зарур эди. Аммо, жойларда бу омилларга етарлича эътибор берилмаганлиги сабабли, танланган хўжалик юритиш шакли самарали фаолият олиб бориши таъминланмади.

Кўпгина ҳолларда раҳбарлар, мутахассисларнинг бозор иқтисодиёти шароитида иш юритишга тайёр эмаслиги ҳам ислохотларнинг боришига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Жумладан, кўпгина хўжаликларда унинг ташқи кўриниши, шакли ўзгарган бўлса ҳам, хўжалик юритишнинг ички механизми эскича сақланиб қолди.

Шу шароитда фермерлар уюшмаси ва мустақил фермер хўжаликларида мулкка ва етиштирилган маҳсулотга эгалик қилиш масалалари хўжалик юритишнинг бошқа шакллариغا нисбатан яхшироқ ҳал бўлаётганлиги кўзга ташланди. Шунини ҳисобга олиб, жамоа хўжаликларида мулкка эгалик масалаларини ҳал қилиш йўллари излана бошланди.

Хўжалик юритишни янги шаклини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), деб номланди ва мулкчилик ҳамда етиштирилган маҳсулотга эгалик қилиш механизми такомиллаштирилди.

Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

- хўжалик аъзоларига асосий воситалар мулккий пай (улуш) қилиб бўлиб берилиши;
- хўжаликда ички иш юритиш механизми оила пудратига асосланиши;
- ерлар пудратчиларга тақсимлаб узоқ муддатга берилиши;
- етиштирилган маҳсулотга пудратчининг эгалик қилиши;
- пудратчининг пировард натижадан манфаатдорлик механизми ишлаб чиқилди.

Шу билан бир қаторда, мустақил фермер хўжаликлари ривожлантирилишига ҳам катта эътибор берилди ва бу хўжалик юритишнинг истиқболли шакли, деб қабул қилинди.

Фермер хўжаликлари фаолият юритиш асослари ва ҳуқуқларини тартибга солиш мақсадида «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Ер майдони фермер хўжалигига 10 йилдан кам бўлмаган 50 йил муддатга мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан бириктириб берилди. Бу ер майдонида у бозор талабларига қараб хоҳлаган экин турларини экиши ва етиштирган маҳсулотларини истаган бозорда, бозордаги истеъмолчилар имкониятидан келиб чиққан ҳолда, нарх белгилаб шу шу нархда сотиш ҳуқуқи қонун билан белгилаб қўйилди, (пахта ва ғалладан ташқари). Фермер хўжалигига меҳнатни ташкил қилишда қонун бўйича хўжалик аъзоларидан ташқари шартнома асосида ёлланма ишчиларни жалб қилиш ҳуқуқи ҳам берилди.

Фермер хўжалигида мулкка ва етиштирилган маҳсулотга эгалик қилиш қишлоқда мулкдорлар синфи шаклланишини тезлатмоқда, аммо шунга ҳам эътибор бериш керакки, фермер хўжалигида шартнома асосида ишлаётган ёлланма ишчилар мулкдор саналмайди. Демак, фермер хўжалигида ишлаётганларнинг ишга бўлган ёндашиши икки хил бўлмоқда. Фермер хўжалиги аъзолари (мулкдорлар) бажараётган иш ҳажмига маош эмас, балки аванс пули оладилар ва уларнинг асосий даромади иш якуни бўйича олинадиган соф даромадга боғлиқ. Бу ҳолат уларни меҳнатга, унинг сифатига ва ўз вақтида ўтказилишига ижобий таъсир кўрсатади. Шартнома асосида ишлаётган ёлланма ишчилар эса, маълум ҳажмдаги бажарган ишига меъёр бўйича белгиланган иш ҳақи олади. Бу ҳолат фермердан иш бошқаришга шу омилларни ҳисобга олган ҳолда ёндашишни талаб қилади. Яъни, биринчи ҳолатда (доимий) ишчиларнинг сифатли иш кўламлари ҳисобидан кўпроқ якуний натижадан олиниши мумкин бўлган фойдага эътибор қаратилиши ва шу асосда улар меҳнатига бўлган муносабатни ўзгартириш, иккинчи ҳолатда (ёлланма) ишчиларнинг бугунги бажараётган ишлари сифатига қўшимча ҳақ

тўлаш ёки бошқа рағбатлантириш механизмини қўллаш орқали ишнинг сифатли бўлишига эришилди.

Бу ерда фермер хўжалигида ишлаётган ёлланма ишчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, фермер хўжаликларида шартнома асосида ишлаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат ижтимоий суғуртасидан ўтади ва ижтимоий суғурта даромадини тўлаб боради. Фермер хўжалиги аъзолари ҳамда хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларга суғурта бўйича давлат нафақалари берилади.

Яна бир масалага эътибор бериш керак, жумладан, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги камида 30 шартли мол бошига эга бўлиши, деҳқончиликда эса пахтачилик ва ғаллачиликда ер майдонлари ўн гектардан кам бўлмаслиги, боғдорчилик, узумчилик, сабзавот ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда камида бир гектар ер майдонига эга бўлиши қонун билан белгилаб қўйилди. 2008-2010 йилларда фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг қўламдаги ишлар олиб борилди, ҳозир ҳам бу жараён давом эттирилмоқда. Аммо шунга эътибор бериш керакки, фермер хўжалигининг оптимал ҳажми мол бошининг сони ёки деҳқончилик қилинаётган ер майдонининг ҳажми билангина чекланиб қолиши керак эмас, балки унинг йиллик даромади ҳажми билан белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, деҳқончилик қилинаётган ер майдонидан олинаётган даромадлар фермер хўжалиги аъзоларининг ижтимоий талабини қондириш билан бир қаторда, хўжалик юритишда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил қилишга ётарли бўлиши ҳамда фан-техника янгиликларини жорий қилиш учун ҳам имконият яратиладиган даражада бўлиши лозим. Афсуски, фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштиришда ушбу масалалар дастлабки қабул қилинган қонунда ва кейинчалик қонунга киритилган ўзгартиришларда ҳам ўз аксини топганида мақсадга мувофиқ бўларди.

Қишлоқда мулкдорлар синфини ривожлантиришга қаратилган хўжалик юритишнинг яна бир истиқболли шакли деҳқон хўжаликлари (аввалги шахсий томорқа эгалари) деб белгиланди. Деҳқон хўжаликлари товар маҳсулоти етиштирувчи майда хўжаликлар ҳисобланади. Уларда ер участкаларининг ҳажми кичикроқ бўлиши, ресурслар, шу жумладан, кредит ресурслари билан таъминланиши яхши йўлга қўйилмаганлигига қарамасдан, ердан ва ресурслардан самарали фойдаланишда ширкат хўжаликлари ва фермер хўжаликларига қараганда ўз устунлигини кўрсатди.

Деҳқон хўжаликлари ривожланиши учун имкониятларни яратиб бериш ва уларни қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролини ошириш мақсадида, уларнинг ҳукуқи ва мажбуриятларини белгилаб берувчи «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. У мол-мулкни ташкил қилиш, кўпайтириш, олиш, уни ижарага бериш ёки вақтинча фойдаланиш ҳукуқига эга. Аввалги шахсий томорқа эгаларига нисбатан деҳқон хўжаликларига қатор имтиёзлар берилиши, уларнинг мулкдор сифатида мавқеини кўтарди. Жумладан, деҳқон хўжалиги жисмоний шахс ёки юридик шахс сифатида меҳнатни ташкил қилиши мумкин, унинг ўз томорқасида (деҳқон хўжалигида) ишлаган даври иш стажига қўшиладиган бўлди, у банкда ўзининг ҳисоб рақамини очиши, мол-мулкни гаровга қўйиб банкдан кредит олиши, шунингдек, унга умрбод фойдаланиш учун берилган 0,35 га ердан (суғориладиган ер) ташқари, товар маҳсулоти етиштириш учун қўшимча ер олиши мумкинлиги ва бир қатор бошқа имтиёзлар берилган.

Шундай қилиб, 1997-1998 йилларга келиб мамлакат қишлоқ хўжалигида учта истиқболли хўжалик шаклланди: йирик хўжаликлар – қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), ўрта ҳажмдаги товар маҳсулоти етиштирувчилар – фермер хўжаликлари, товар маҳсулоти етиштирувчи майда - деҳқон хўжаликлари.

Ушбу хўжалик юритиш шакллариининг қонунда белгиланган мулкка эгалик, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиши қишлоқда мулкдорлар синфининг ривожланишига кенг йўл очиб берди.

Бу, ўз навбатида, хўжалик юритишнинг ҳар учала шаклида ҳам бошқариш услубиятини қайта кўриб чиқиш, хўжалик юритишнинг ички механизмида ҳам, ташқи алоқаларида ҳам шартнома муносабатларига таяниб, фаолият олиб боришга ўтиш заруриятини келтириб чиқарди.

Шунинг билан бир қаторда, мулкый масалалар ҳам бир хилда ўз ечимини топмади. Яъни, қишлоқда мулкдорларнинг мулкка эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф этиши бўйича қуйидаги тоифаларга бўлинади:

Биринчи тоифада – фермер ва деҳқон хўжаликлари мулкка тўлиқ эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишни қонун асосида ўзлари хал қилиш ҳуқуқига эга, булар тоифасига шахсий қайта ишлаш корхоналарини ҳам киритиш мумкин.

Иккинчи тоифадагилар – ширкат хўжалиги ичидаги мулкдорлар, булар мулкка эга ва ердан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлари билан, етиштирган маҳсулотга тўлиқ эгалик ҳуқуқига эга эмаслар.

Учинчи тоифадаги мулкдорлар – акция эгалари, улар ҳиссадорлик жамияти акцияларини сотиб олган бўлсалар ҳам шу акцияларига дивиденд оладилар холос. Аммо, мулкдорларнинг барча ҳуқуқига эга эмаслар.

Тўртинчи тоифадагилар – мулк эгаси эмас, улар шартнома асосида ишлайдилар ва иш ҳақи оладилар, булар тоифасига консалтинг ва бошқа турдаги сервис хизмати кўрсатиш корхоналари ходимлари киради. Албатта, бу тоифадагиларнинг ҳам барчалари мулкдор бўлишлари шарт эмас, бунга имконият ҳам зарурият ҳам йўқ.

Қишлоқ хўжалигини бошқаришда юқорида санаб ўтилган мулкый муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳар бир тоифага кирувчи мулкдорларнинг ҳуқуқий ва мулкдан

фойдаланиши, ишлаб чиқариш жараёнига тўлароқ жалб этилиши устида ишлар олиб борилиши зарур.

1998 йилга келиб, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари) томонидан етиштирила бошлади. Хўжалик юритиш шакллари бозор иқтисодиёти талаблари, айниқса, мулкка, етиштирилган маҳсулотига эгалик қилиш масалаларини ҳал қилолмаслиги сабабли тарқатилиб, фермер хўжаликларига айлантирила бошланди. Шунинг билан бирга, 1998-2000 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ривожлантирилишига катта эътибор берилди. Ширкат хўжалигини бошқариш ва хўжалик юритишнинг ички механизми ишлаб чиқилди. Бунда ер участкаларининг ҳажмини белгилаш оиладаги ишга яроқли кишилар сонидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилинди. Ер участкалари оилаларга шартнома асосида 1-3 йил муддатга бириктириб берилди. Қўйилган мақсад бўйича бу тадбир ерга бўлган эгалик ҳиссиётини уйғотиши ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириши керак эди. Аммо, бундай бўлмади, чунки, кичик ер участкаларида (1-5 га) механизмлардан унумли фойдаланиш ва экинларни алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш имконияти йўқ эди. Шунинг учун агротехник тадбирлар кўпроқ қўл кучи билан бажарилиши механизациялаш даражасининг кескин пасайиб кетишига ва сарф-харажатларнинг кўтарилиб кетишига олиб келди. Шу сабабли ҳам, сарф-харажатлар кескин ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида харажатлар ва даромадларни бошқаришнинг чек усули қўлланилди.

Оилавий пудратчига унинг ер майдони ва экиладиган экин турларига қараб, харажатлар ва даромадлари бизнес-режада кўрсатилди ва бу кўрсаткичлар махсус тайёрланган чек дафтарчасига ёзиб қўйиладиган ва барча турдаги харажатлар (сервис хизмат ҳақи, ресурслар, ишловчиларни иш ҳақлари) чек билан тўланадиган бўлди.

Сарф харажатларни бошқаришнинг ушбу усули ҳисоб-китоб ишларини бироз такомиллаштирган бўлишига қарамай, ресурслар нархи кескин

кўтарилиб кетиши, ишларнинг асосий қисми қўл кучи билан бажарилиши, маҳсулот сифати ва унинг харид нархи паст бўлиши ҳисобига ширкат хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари ёмонлашиб борди, рентабеллик даражаси паст ва зарар билан ишлаётган ширкатлар сони кўпайиб борди. Бунинг устига ширкатларда бошқариш тизимида ҳам муаммолар юзага кела бошлади. Хўжалик ерлари майда участкаларга пудратчиларга бўлиб берилиши (1-5 га ҳажмда) пудратчилар сонининг кескин ошиб кетишига (800-1000 пудратчи) олиб келди. Мавжуд бошқариш тизими (колхоз ва совхозлардагига ўхшаш) бунча пудратчи билан бир вақтда иш олиб бориш имкониятини бермади. Бошқаришни бир мунча енгиллаштириш мақсадида ширкатларда бош пудратчи лавозими штати жорий этила бошланди, яъни, (пудратчилардан бирига бош пудратчи сифатида қўшимча иш ҳақи белгиланди ва у 40-50 пудратчига бошчилик қилиб, ширкат раҳбарияти билан пудратчиларни боғлаб турувчи бўгин бўлди). Аммо, бош пудратчи лавозими киритилиши фақатгина маъмурий бошқариш тизимини кучайтирди холос, пудратчилар ва ширкатнинг иқтисодий кўрсаткичига жиддий таъсир кўрсата олмади. Ширкат хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари тобора ёмонлашиб борди.

Фермер хўжаликлари ривожланишига ҳам катта эътибор берилишига қарамадан, қатор муаммолар юзага чиқа бошлади. Жумладан, фермернинг ер майдонлари кичиклиги, моддий-техника ресурслари етишмаслиги, етиштирилган маҳсулотга эгалик, молия-кредит масалалари ва ниҳоят, фермер хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш каби масалалар тобора долзарблашиб борди. Деҳқон хўжаликлари ривожланиши хўжалик юритишнинг юқорида келтирилган икки шаклига нисбатан тезроқ ривожлана бошлади. Уларнинг товар маҳсулоти етиштиришдаги улуши йилдан-йилга ошиб бораётганлигига қарамай, деҳқон хўжаликлари ривожланишида ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Бу ер участкаларининг кичиклиги, субарендага ер олиш имконияти йўқлиги, ресурслар таъминоти, кредит олишдаги қийинчиликлар, маҳсулотни экспорт қилишдаги ва ёлланма ишчи

ишлатишдаги муаммолар. Аммо, хўжалик юритишнинг учала шаклидан иккитаси (фермер ва деҳқон хўжаликлари) ўзини истиқболли эканлигини кўрсатди ва бугунги кунда барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари шу икки турдаги хўжалик юритиш шакллари томонидан етиштирилмоқда.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқариш тизими босқичма-босқич тадрижий йўл билан амалга оширилиб ва такомиллаштирилиб борилди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бошқариш тизими бундай тарзда такомиллаштирилиб борилиши соҳа ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди ва маҳсулот етиштириш ҳажми мунтазам равишда ошиб борди. Лекин, бу хўжалик юритишдаги бошқариш тизимида барча муаммолар ҳал қилинди, дегани эмас, чунки, бу борада ҳали кўп муаммолар мавжуд. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги кунда фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг аксарияти бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик услубиятидан фойдаланмоқдалар, уларни иқтисодий ва демократик услубиятдан фойдаланишга ўтказиш ва ўргатиш зарур. Бу муаммо аграр ислохотларнинг навбатдаги босқичини чуқурлаштиришдаги долзарб масалалардан бири бўлиши лозим.

3. Республикамиз фермер хўжаликларини ташкил этиш босқичлари ҳамда улар фаолиятининг ҳозирги ҳолати

Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодий ривожланишида барқарорликни таъминлаш ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни қишлоқ хўжалиги хомашёсига бўлган эҳтиёжларини таъминлашнинг моддий асосидир. Қишлоқ хўжалигида мулкӣ муносабатларни ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобланади.

Республикамизда мустақиллик йилларида олиб борилган иқтисодий ислохотлар асосида қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг ва унга мос ҳолда

хўжалик юритишнинг истиқболли шакли бўлган фермер хўжаликларини ривожланиши учун қулай ҳуқуқий асослар, шарт-шароитлар яратилиши натижасида уларда ўз мулкига нисбатан ҳақиқий хўжайинлик, мустақил ва эркин тасарруф этиш ҳисси таркиб топиб ривожланмоқда. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишнинг моҳияти ва хусусиятлари тубдан ўзгарди.

Бугунги кунга келиб фермер хўжаликлари қуйидаги ривожланиш босқичларини босиб ўтди:

- 1991-1998 йилларда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва фаолият юритишнинг асосий меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.
- 1998-2000 йилларда зарар билан фаолият кўрсатаётган ширкат хўжаликларини тугатиш, улар негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёни ривожланди.
- 2003 йилдан фермер хўжаликларини устувор йўналиш сифатида ривожлантириш белгиланди.
- 2008 йилдан бошлаб фермер хўжаликларининг ер участкаларини мақбуллаштириш жараёни амалга оширилиб, уларни иқтисодий барқарор фаолият кўрсатишига замин яратилди.
- 2012 йилдан бошлаб кўп тармоқли ишлаб чиқаришни жорий этиш (2-расм).

Сўнгги йилларда юз бераётган глобал иқлим ўзгаришлари деҳқончиликни юритишда ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш, экинларнинг ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамли навларини яратиш, сув тежовчи технологиялар ва агротехник тадбирларни амалга оширишда қиммат ресурслар ўрнини босувчи муқобилларини қидириб топиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратиш талаб этилади. Айни пайтда республика бўйича суғориладиган ерларнинг 65 фоизига яқини турли даражада шўрланганлиги, тупроқ унумдорлиги даражасининг пасайиб бориши, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоларини янада долзарблаштирмоқда.

Фермер хўжаликларини ривожланиш босқичлари



Республикада суғориладиган ер майдонлари ҳудудлар доирасида нотекис жойлашган ва, айниқса, улар сифат даражаси жиҳатидан кескин фарк қилади. Айрим ҳудудларда сув ресурслари фақат вегетация даврида талаб қилинса, бошқа ҳудудларда сув ресурслари қиш мавсумида ҳам шўр ювиш тадбирлари учун талаб этилади. Шу жиҳатдан ҳам сув ресурсларининг республика доирасида доимий мақсадли бошқаруви талаб этилади.

Республикада қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва маҳсулот етиштириш даражаси ҳам сув ресурсларига боғлиқ ҳолда юз бераётганлигини кўриш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари ва ходимларида аксарият ҳолда ресурсларни меъёрида ишлатиш, экинларни парваришlashда агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш аҳамиятини тушунгани ҳолда, унга амал қилиш, харажатларни камайтириш устида ишлаш кўникмалари етишмайди. Натижада экин майдони ҳисобига яратилган фойда йил сўнгида ишлаб чиқаришнинг етарли рентабеллигини таъмин этмасдан қолади, фермер кам миқдорда фойда олади ёки зарар билан йилни яқунлаши ҳам мумкин. Шу боисдан фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида уларнинг экин майдонлари 2008, 2009, 2010 йилларда мақбуллаштирилди.

Фермер хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва экинларни алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш имкониятини яратиш мақсадида шахсан Президентимиз И.А.Каримов ташаббуслари билан, фермерлар ер участкаларини оптималлаштириш бўйича 2008-2010 йилларда кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Фермер хўжаликлари ер майдонлари кенгайиши ҳисобига уларнинг сони камайиб бормоқда. Жумладан, 2010 йилга келиб фермер хўжаликларининг сони 2008 йилга нисбатан 41247 тага ёки 61,5 фоизга қисқарган. Агар барча турдаги фермер хўжаликлари бўйича ер майдонининг кенгайиши 168,4 % ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида 150,7 %, узумчилик ва мевачилик бўйича 206,3 % га, сабзавот, полиз ва картошкачиликда 155,4 % га, чорвачиликда 143,5 % га ва бошқа турдаги маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларида эса 211,7 % ни ташкил қилган (4-жадвал).

**Республика бўйича фермер хўжаликлари ер майдонларини
оптималлаштириш натижалари, (2008-2010 йил)**

Йиллар		Жами фермер хўжалик- лари	Шу жумла			
			Пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган	Узумчилик ва мева етиштиришга ихтисослашган	Сабзавот, полиз ва картошқачиликк а иxtисослашган	Чор- ли- ихтис- ослаш- ган
2008	Фермер хўжаликлари сони	107381	50511	34221	5514	7
	Бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони, гектар	47,5	70,3	6,3	14,8	1
2009	Фермер хўжаликлари сони807144174522174406161 096625Бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони, гектар 66 91 10 19 185 13 2010Фермер хўжаликлари сони661343589616964364753 294298Бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони, гектар 80 106 13 23 205 182010 йил 2008 йилга % ҳисобидаФермер хўжаликлари сони61,571,149,566,175,642,5 Бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони, гектар 168,4 150,7 206,3 155,4 143,5 211,7 Фермер хўжаликларининг йириклашиши уларнинг тўлов қобилияти ошишида					

	муҳим аҳамият касб этибгина қолмасдан, балки улар томонидан экинлар таркибини, ернинг унумдорлик даражаси ва жойлашувини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш ҳам имкониятини оширади. Бу эса сувдан фойдаланишда суғориш тизимини режалаштиришга шароит яратади. Монографик ўрганилган Пайарик туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳолатини таҳлили шуни кўрсатадики, 2012 йил 2008 йилга нисбатан пахта хомашёси 101,5 фоизга, ҳосилдорлик эса 108,4 фоизга ошган. Бошоқли дон мазкур йилларда 22,9 фоиз кам етиштирилган бўлиб, ҳосилдорлик 21,5 фоизга ошган (5- жадвал). 5- жадвал Пайарик туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш динамикаси №Кў
--	--

рсааткичларЎлчов бирлигиЙиллар2012 й. 2008 й. га нисбатан, %2008 й.2010 й.2012 й.1Пахта хомашёситонна33498335 6234003101,5Ҳосилдорл икц/га21,422,923,2108,42 Бошоқли донтонна3707237264323 0987,1Ҳосилдорликц/га2 0,420,624,8121,53Пиллат онна254,7261,0271,0106, 44КартошкаМинг га0,90,70,666,6Ялпи ҳосилМинг тонна21,521,622,4104,2Ҳ осилдорликц/га250,5328, 0355,6141,95СабзавотМи нг га1,53,01,5100Ялпи ҳосилМинг тонна66,1119,196,1145,4						
	Ҳосилдорлик	ц/га	435,6	392,2	632,2	145,1
6	Полиз	Минг га	0,2	0,6	0,3	150
	Ялпи ҳосил	Минг тонна	2,8	11,7	12,2	4,3 б
	Ҳосилдорлик	ц/га	158,5	206,4	380,1	2,4 б

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, деҳқончилик тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг интенсивлик даражасини ошириш борасида ижобий силжишлар кузатилаётган бўлсада, пахта ҳосилдорлигини ошиши бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошишига нисбатан кам фоизни ташкил этмоқда. Натижада, пахта ҳосилдорлигини ошириш йўналишларида кўрилаётган ҳозирги интенсивлаштириш ва инновацион ишланмалардан фойдаланиш чора-тадбирларининг самарадорлиги пастлигича қолмоқда (6-жадвал).

6-жадвал

**Барча тоифадаги хўжаликларда қишлоқ хўжалиги экинлари
ўртача ҳосилдорлигининг ўзгариш тенденцияси, (ц/га)**

Маҳсулот тури	Йиллар					2012 йил 2000 йилга нисбатан, %
	2000	2006	2008	2010	2012	
Пахта	21,8	25,0	23,9	25,6	26,1	120,6
Бугдой	27,6	42,7	45,2	46,5	46,5	173,2
Картошка	129,3	175,2	194,1	191,9	193,0	151,
Сабзовот	183,8	223,0	246,4	255,4	261,4	143,4
Мева ва резаворлар	56,9	73,8	82,5	92,9	93,5	171,9
Узум	63,1	79,4	77,4	92,2	92,4	155,9

Айнан юқорида таъкидлаганимиздек, пахтачиликда юқори даромадга эришаётган туманларнинг экин майдони бирлиги ҳисобига олаётган ҳосилдорлиги юқори бўлаётганлигини ва пахтачиликдан йилни зарар билан яқунлаётган туманларда эса сарф харажатлари миқдорининг бошқа даромад олаётган туманлар билан таққослаганда ҳам унчалик юқори эмаслигини, ҳам шунга мос равишда ҳосилдорик даражасининг ҳам паст бўлаётганлигини таъкидлаш жоиз. Бундай ҳолатлардан келиб чиқадиган бўлсак, пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш фақат ресурстежовчи агротехнологиялардан фойдаланишни илмий асосда тадқиқ этиш орқали имкониятини яратиш мумкин. Жаҳон тажрибаларидан маълумки, илғор илм-фан ютуқларини ва ресурстежовчи агротехнологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш пахтачилик тизими самарадорлигини таъминловчи энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам, мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг барча соҳаларини замонавий фан ва техника ютуқлари асосида яратилган технологиялар асосида амалга ошириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи сифатида кун тартибида турибди. Яъни, истиқболда фан ишлаб чиқаришнинг ягона ва асосий кучи бўлмоғи зарур. Фан-техника ютуқлари бевосита янги техника ва ресурс-тежовчи агротехнологиялари жорий этиш асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишда намоён бўлади.

Шунингдек, Самарқанд вилоятининг фермер хўжаликларида туманлар миқёсида пахта хом-ашёси етиштириш, ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини таҳлил қилиш натижасида ҳам кузатишимиз мумкин (7-жадвал).

7-жадвал

Самарқанд вилояти фермер хўжаликларида туманлар миқёсида пахта хом-ашёси етиштириш, ҳосилдорлик ва рентабеллик тўғрисида

Т/р	Туманлар номи	2010 йил			2011 йил			2012 йил		
		Ялпи ҳосил, тонна	Ҳосилдорлик, ц/га	Рентабеллик, %	Ялпи ҳосил, тонна	Ҳосилдорлик, ц/га	Рентабеллик, %	Ялпи ҳосил, тонна	Ҳосилдорлик, ц/га	Рентабеллик, %
1	Жомбой	17482	22,6	20,3	20047	25,9	26,8	х	х	х
2	Иштихон	26985	26,4	22,2	29753	29,1	27,3	27277	28,7	14,1
3	Кўрхон	34019	23,6	18,7	36876	25,6	22,3	33885	24,5	5,8
4	Нарпай	35816	31,2	28,3	38606	33,6	35,7	38038	33,1	15,7
5	Нуробод	3491	18,7	11,4	3777	20,2	13,9	3366	18,0	1,1
6	Оқдарё	19686	22,6	21,5	21577	24,8	23,5	22347	24,4	4,9
7	Пастардарғом	46178	22,9	24,4	50012	24,8	25,0	46032	22,9	1,6
8	Пахтачи	25941	26,1	16,4	28828	29,0	21,5	24928	27,4	6,0
9	Пайарик	33562	22,9	20,1	34885	23,8	21,9	38907	23,7	1,3
	Вилоят бўйича	243160	24,5	21,7	264361	26,6	25,3	234780	25,7	6,5

Самарқанд вилояти туманлари даражасида фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш даражаси ҳам ўзгарувчан динамикага эга бўлиб, баъзи туманларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кейинги йилда фермер хўжалиги фаолиятини йўлга қўйиш учун етарли даражада айланма маблағлар шакллантириш имкониятини ҳам бермаяпти. Вилоятнинг бир нечта туманларида пахта хомашёси ишлаб чиқаришдан олинаётган ўртача ҳосилдорлик даражаси гектаридан 25 ц/га дан юқори бўлаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 2012 йил ҳолатига вилоят бўйича пахтачилик тармоғидан олинаётган ўртача ҳосилдорлик 25,7 ц/га ни ташкил қилган бўлиб, Нарпай, Иштихон, Пахтачи туманларида 27,4 -33,1 ц/га

дан юқори бўлган. Шу билан бирга вилоятнинг Каттакўрғон, Оқдарё, Пайариқ, Пастдарғом ва Нуробод туманларида пахта экини майдони бирлиги ҳисобига олинаётган ҳосилдорлик 18-25 ц/га атрофида бўлган.

Натижа шуни кўрсатмоқдаки, ҳосилдорлик даражаси паст бўлган туманларда пахтачиликдан олинаётган даромад паст бўлмоқда, хатто юқорида таҳлил этилган туманлар йилни иқтисодий зарар билан якунлашганга сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги эришиш учун фермер хўжаликлари аввало ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобига ресурс сарфини минималлаштиришлари ва агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширган ҳолда экин майдони бирлиги ҳисобига олинadиган ҳосилни кўпайтириши ҳамда маҳсулотни ўзига қулай шароитлар асосида сотиш билан боғлиқ ҳисобланади.

Бундай шароитда иқтисодий самарадорликка эришиш учун фермер хўжаликларини қўллаб қувватловчи ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектлари яхши ишлаб туриши тақозо этилади. Таҳлиллар кўрсатишича, Самарқанд вилояти фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда иқтисодий самарадорлик тармоқларнинг ўзига хос хусусиятлари ва фермер хўжаликларининг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда кейинги йилларда ўзгариш тенденциясига эга бўлган.

Демак, вилоятда фойда олинаётган ушбу туманларда пахта хомашёси етиштиришдаги тажрибаларни зарар билан ишлаётган туманларда кенг равишда қўллаш ёки пахта экинини жойлаштиришда янгича ёндашувни амалга ошириш талаб этилади. Пахтачиликда тармоқнинг иқтисодий самарадорлик даражаси пасайиб кетишида муҳим роль ўйнаётган ички ва ташқи омилларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

Бу ички омиллар бўлиб, айнан маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ, яъни улар томонидан сарф харажатларни режалаштириш тадбирларини ташкил этишда муаммолар мавжудлиги, агротехник тадбирларни ўз вақтида ташкил этмаслик ҳолатлари, пахтанинг

бирор бир ресурсга бўлган талабини баҳолай олиш малакасининг юқори эмаслиги ва бошқалар ҳисобланади

Аввало йиллар давомида пахта ва ернинг табиий унумдорлик даражаси юқори бўлишига хизмат қилмайдиган бошқа экинларни жойлаштирилиши ернинг табиий унумдорлик даражасининг пасайишига олиб келганлигини, эндиликда ушбу ерларнинг унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқилишини талаб этилишини кўриш мумкин. Бунинг учун аввало, ерларда мос бўлган алмашлаб экиш тизимини ривожлантириш ва йўлга қўйиш зарур бўлади.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири – ресурстежовчи агротехнологияларни жорий этиш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишдан иборатдир. Республикамизда 2012 йил 1 январ ҳолатига кўра 66134 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб, уларнинг ўртача ер майдони 80,1 га ни ташкил этди. Шу жумладан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари 35896 тани, ўртача ер майдони эса 106,3 га ни ташкил этди². Демакки, умумий фермер хўжаликларининг 54 фоиздан кўпроғи айнан давлат стратегик аҳамиятига эга бўлган пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган.

Хусусан, фермер хўжаликлари агротехникасида, айниқса, қатор ораларига ишлов беришни суғориш тартибига, тупроқ иқлим шароитига монанд ҳолда амалга ошириш, ишлов чуқурлигини экин илдизининг ривожланиш даражасини ҳисобга олиб белгилаш ниҳоятда муҳимдир. Бинобарин, фермер хўжалик-ларида ресурстежовчи агротехнологияларни жорий этишга бевосита боғлиқ барча тадбирларни ўз вақтида ва муддатлари бўйича бажариш қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга ҳамда сарф-харажатларни тежаш имконини яратади.

² Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тарраққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19 январдаги маърузаси. Қишлоқ ҳаёти рўзномаси 20 январ 2012 йил №9-10 сон

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг кўламини таҳлил қилар эканмиз, албатта бунда сув ресурсларининг кейинги йилларда катта муаммо бўлаётган тақчиллигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Чунки республикамизнинг суғориладиган майдони бугунги кунда 4,3 млн га дан ошганлигини аҳоли сонини қарийб 30 млн кишидан иборат бўлганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу кўрсаткич 1990 йилларга нисбатан 4,0 баробарга ошганлигини ва аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаби ҳам йил сайин ошиб бораётганлини кўриш мумкин.

Демак, қишлоқ хўжалигида 1 гектар пахта майдонга сарфланаётган сув миқдоридан самарали фойдаланиш эвазига ҳосилдорликни ошириш, даромад ва фойда олиш бугунги куннинг талабидир. Ҳозирги вақтда республикамиз фермер хўжаликларида 1 га майдонга сув бруттоси бўйича 12-13 минг м³ ва сув неттоси бўйича эса 6-8 минг м³ сув сарфланиши эътироф этилган.

Ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири саналган сув ресурсларидан тежаб тергаб фойдаланиш, бу борада эса сувни тежовчи технология ва усулларни танлаш лозимлиги, бунда суғориш усули ва техникасини танлашда иқлим, тупроқ, биологик, хўжалик, сув хўжалиги, иқтисодий шароит каби катор омиллар ҳисобга олинишини билиш мумкин бўлади.

Демак, бундан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигини етарли даражада сув билан таъминлаш, сув кам бўлган йилларда ҳам танқисликни билдирмаслик ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатини ҳам бир меъёردа сақлаш учун сув тежовчи технологиларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Жумладан, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илғор усуллари-дан бўлган томчилатиб суғориш ҳамда янги пахта навларини иқтисодий минтақалар табиий иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш каби тадбирлар республика пахтачилигида синаб кўрилмоқда. Мамлакатимизнинг марказий ҳудуди бўлган Самарқанд вилояти туманларидаги пахтачилик фермер хўжаликларида ушбу илғор

технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини атрофлича таҳлил қилиш ва лозим бўлган жиҳатларини ишлаб чиқаришга кенгроқ жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Пахтачилик фермер хўжаликларида ғўза қатор орасига ишлов беришда ресурстежовчи агротехнологияларни жорий этиш натижасида чигит экиладиган дала тупроғига ишлов бериш, минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш пахта ҳосилдорлигини ошишига имконият яратмоқда. Аммо бу агротехник тадбирлардан фойдаланаётган фермер хўжаликлари кўп миқдорда моддий-техникавий харажатларни сарфламоқда, яъни бир гектар ерда ғўзани етиштириш учун 150-200 литр ёқилғи, 5000-6000 м³/га сувдан фойдаланиб 70-80 фоиз техникавий ишлар тупроққа ишлов беришга қаратилмоқда.

Шу билан бир қаторда қандай кўринишдаги маҳсулот етиштиришдан қатъий назар, унга сарфланадиган меҳнат, энергия ва вақтни кескин камайтириш орқали унинг таннарини сезиларли даражада пасайтириш масаласининг ечими, барча фермер хўжаликлари раҳбарлари шунингдек соҳа мутахассислари олдида турган муаммолардан бири бўлиб келган ва бу жараён давом этмоқда. Бунга жавобан, дунёнинг деҳқончилиги ривожланган кўпгина мамлакатлари, турлича усуллар қўлламоқдалар. Уларнинг аксарияти тупроққа ишлов бериш усулини ўзгартириш орқали унинг сонини қисқартиришга бағишланган. Жумладан, тупроққа ноль, минимал ишлов бериб маҳсулот етиштириш усуллари мисол тариқасида келтириш мумкин. Бироқ, ушбу мамлакатларда маҳсулот етиштириш, ерни суғориш орқали амалга оширилмаслиги, тупроғининг тури, далаларини бегона ўт босмаслиги билан минтақамиз деҳқончилигидан фарқ қилади.

4. Фермер хўжаликларини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 607-сонли қарори асосида республикамизда фермер хўжаликларини ривожлантириш борасидаги ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Истиқболсиз ширкатлар ўрнида янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъмин этиш ва уларга хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Аммо, шу билан биргаликда фермерчиликни ривожлантириш борасида қатор муаммолар пайдо бўлмоқда.

Ушбу муаммолар асосан фермер хўжаликларини моддий-техник ресурслар билан таъминлашдаги номутаносибликлар туфайли, ресурслар ишлаб чиқарувчи ва фермерга етказиб берувчи тармоқдаги монополия вазияти сақланиб қолаётганлиги туфайли содир бўлаётганлигини ажратиб кўрсатиш лозим. Бу масала айниқса, минерал ўғитлар билан таъмин этишда, ўғитларнинг турларини етказиб беришда, техникалар таъминоти тизимида яққол кўзга ташланади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, республикамизда фермер хўжаликлари ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни қуйидаги йирик гуруҳларга ажратиш мумкин, (3-расм):

3-расм

Фермер хўжаликларини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар асосий йўналишлари



- ер-сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий муаммолар;

- фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъмин этиш юзасидан пайдо бўлаётган ташкилий-иқтисодий муаммолар;

- фермер хўжаликларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар;

- фермер хўжаликларига сервис хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий муаммолар;

- фермер хўжаликлари ҳуқуқий онгини ошириш ва шартнома муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Ушбу муаммолар ҳар бири қатор масалаларни ҳал этишни тақозо этади. Улар асосан қуйидагилардан иборат:

Ер-сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий муаммолар:

- фермерларга пахта ва ғалла етиштириш бўйича давлат буюртмалари берилиши билан биргаликда илмий асосланган ҳолда алмашлаб экишга ҳам шароит яратиш лозим. Шундай қилинганда алмашлаб экиш, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва фермер даромадининг барқарор бўлиши имконияти яратилади;

- 50 гектар ва ундан кўп экин майдонига эга бўлган йирик фермерларга қишлоқ хўжалиги техникасига эга бўлиши учун имтиёз яратиш керак. Лизинг орқали техника сотиб олиш ва ишлатилган техникаларни нархларини қайта кўриб чиқилган ҳолда сотишни ташкил қилиш лозим;

- ерлардан мақсадли, самарали фойдаланган, экинлар ҳосилдорлигини оширган фермер хўжаликларини рағбатлантириш масаласига аҳамият бериш лозим;

- қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда тупроқ балл-бонитети ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим;

- сувдан самарали фойдаланиш мақсадида суғоришни янги технологияларини жорий қилиш, ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш чоратadbирларини амалга ошириш талаб этилади;

- тадқиқотлар кўрсатишича, фермер хўжалиги фаолият йўналиши (деҳқончилик ва чорвачилик) бўйича мақбул ўлчамларининг белгилаш механизми ишлаб чиқилмаганлиги сабабли уларнинг ҳажми 3-4 гектардан 250-300 гектаргача бўлмоқда. Бу ҳажм ўртача 40-50 гектардан белгиласа мақсадга мувофиқ;

Фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъмин этиш юзасидан пайдо бўлаётган ташкилий-иқтисодий муаммолар:

- тугатилган ширкат хўжаликлари негизида хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари (мини банклар, муқобил МТП, ЁММ, минерал ўғит сотиш шахобчаси, СФУ) тузилгандан сўнг гектар ҳисобига ҳаражатлар кескин камайди. Аммо, бу борада ҳам қатор муаммолар пайдо бўлмоқда. Хусусан, фермер ёқилғи олиш учун дастлаб туман нефть маҳсулотлари бўлиmidан рухсат олиши ва шундан кейин ёқилғи шахобчасидан тегишли миқдордаги ёқилғини олиш имконига эга бўлади. Шу боисдан жойлардаги ЁММ шахобчаларига тўлиқ ҳисоб қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш шарт;

- ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашда фонд бўлишини бекор қилиш ва фермер ёқилғи қуйиш шахобчаларида тўғридан-тўғри пул тўлаб ёқилғи олиш тизими яратилиши керак. Ёқилғи-мойлаш материаллари таъминотидаги узилиш агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказмаслик ва сифатининг паст бўлишига, пировард натижада ҳосилдорлик пасайишига олиб келмоқда;

- минерал ўғит билан таъминлаш яхши йўлга қўйилмаган, шартномада кўрсатилишига қарамасдан минерал ўғитлар ўз вақтида етказиб берилмаётир, айниқса фосфорли, калийли ўғитлар таъминоти ёмон ташкил қилинган;

-моддий-техника ресурсларини марказлашган (фонд орқали) ҳолда таъминлаш яқин келажакда сақланиб қолсада, келгусида бундан воз кечиш ва бу соҳада ҳам хусусий сектор салмоғини ошириш орқали эркин рақобат муҳити яратиш мақсадга мувофиқ;

- фермерга техника воситаларини лизингга бериш амалиётини ривожлантириш ва бунда лизингга бериладиган техника воситалари ассортиментини кенгайтирилади, лизинг тизимида ҳам рақобат муҳитини шакллантириш орқали фермер учун танлов имкониятини яратиш лозим;

- фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъмин этишда моддий-техника воситалари эркин бозорини ташкил этиш, хусусан, техникаларнинг улгуржи ва иккиламчи бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга устиворлик бериш мақсадга мувофиқ;

- экин экиш, парваришlash ва йиғиб олиш технологияси ўзгармоқда. Натижада техникалар тизими ва фойдаланилаётган агротехнологиялар ўртасида номутаносиблик юзага келмоқда. Шунинг учун техникларга мос равишда янги машиналар тизими яратилиши лозим ёки аксинча;

- туманнинг тупроқ иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, фермерларни юқори ҳосилли, касалликларга чидамли қишлоқ хўжалик экинлари навларининг уруғлари билан таъминлаш тадбирларини амалга ошириш лозим.

Фермер хўжаликлари ҳуқуқий онгини ошириш ва шартнома муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар:

- фермер хўжаликларида меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат шартномалари тузилиши ҳолатларини ўрганиш натижалари кўрсатишича, ёлланма меҳнатдан фойдаланишда меҳнат қонунлари талабларига риоя этишга эътибор бериш лозимлигини кўрсатади. Таҳлиллар кўрсатишича, шартномалар асосида ёлланиб ишловчилар меҳнат қонунлари талабларига риоя этилмаган ҳолда ишга олинмоқда;

- фермер хўжаликлари билан хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартномалар биринчи навбатда хизмат кўрсатувчи томонларнинг ҳақиқий имкониятларини ҳисобга олиш лозим масалан, фермер хўжалигига моддий-техника ресурс етказиб берувчи ташкилот («Қишлоқхўжаликкимётаъминот») ўз имкониятини ҳисобга олмасдан (ўз вақтида ва зарур миқдорда шунингдек ўғитлар химикатлар етказиб бериш) шартнома имзолайди. Натижада хўжалик йилида ўғитлар ўз вақтида етиб келмаслиги боис фермер олдидаги мажбуриятни бажара олмасдан қолади. Ёки фермер хўжалиги ўзининг реал имкониятини ҳисобга олмасдан маҳсулот етиштириб бериш бўйича шартнома имзолайди. Ҳақиқий имконият сифатида фермернинг ер майдонларининг унумдорлиги, техника ва моддий техника ресурслари таъминоти даражаси меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги каби билан баҳоланиши лозим;

- шартномаларда етказиб берилиши лозим бўлган моддий техник ресурс айниқса минерал ўғитлар, захарли химикатлар, нефть маҳсулотлари миқдори ва аниқ муддатлари кўрсатилиши лозим. Бунда муддатида етказиб берилмаган ресурслар ҳисобидан фермер кўрган зарар жорий баҳоларда таққослама тарзда кўрсатилиши лозим. Чунки шудгор қилинмаслиги, ўғитланмаслиги химикатлар билан ҳашоратларга қарши ишлов берилмаслиги фермернинг ҳосил йўқотишга сабаб бўлади. Уни шартномада аниқ кўрсатиб қўйиш хизмат кўрсатувчи ташкилотлар масъулиятини белгилайди;

Фермер хўжаликларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар:

- маҳсулот етиштиришни аванс ёки имтиёзли кредитлар билан таъмин этишда маблағларнинг марказдан йўналишлар (банк тизими орқали) бўйича тақсимлаб берилиши жойларда бухгалтерия ҳисоб-китоб ишларини издан чиқаришга ва маблағлардан самарали фойдаланишга тўсик бўлмоқда;

- фермер хўжаликларини ривожлантириш кўп жиҳатдан узоқ муддатли кредитлар ажратилишига боғлиқлиги боисдан, узоқ муддатли кредитлар салмоғини ошириш лозим;

- фермерларга давлат эҳтиёжи учун етиштирилаётган пахта хом ашёсига бериладиган имтиёзли кредитни маҳсулот қийматининг 70 фоизи миқдорида ўрнатиш. Кредитнинг маҳсулот қийматини 70 фоизи миқдорида бўлиши уни тўла қайтирилиш имкониятини беради, чунки етиштирилаётган пахта хом ашёсининг 100 фоизи давлатга сотилади;

- фермерларга давлат эҳтиёжи учун етиштирилаётган ғаллага ажратилаётган имтиёзли кредит маҳсулот қийматининг 75-90 фоизи миқдорида белгилаш. Етиштирилаётган ғалланинг давлат эҳтиёжига фақат 50 фоизи олинishiни ҳисобга олганда кредит қайтариш имконияти юқори бўлади;

- берилаётган имтиёзли кредитлар йилига бир маротаба кредит линияларини очиш ва керак вақтида, муаммосиз қўшимча кредит олишни таъминлаш учун зарурий шароит яратиш лозим;

- фермерлар пахта ва ғалладан ташқари бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришини ҳамда кўпчилигини маблағлари етишмаслигини ҳисобга олиб, уларни қисқа ва узоқ муддатли кредитлар билан таъминлаш механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунда:

- а) қисқа муддатли кредит беришни асосан етиштирилаётган маҳсулотни гаровга қўйиш ва кредит фоизларини 12-15 фоиздан оширмаслик шarti билан белгилаш;

б) фермерларга уларни мол-мулкини гарови асосида узоқ муддатли (6-8 йил) махсус (техника сотиб олиш, илғор технологияни жорий қилиш, ирригация ва мелиорация тизимларини таъмирлаш, янги ерларни ўзлаштириш, маҳсулотни қайта ишлаш ва ҳоказо) йиллик фоизлари пасайтирилган кредит бериш, бунда кредитни қайтариш муддатини учинчи йилдан бошлаб белгилаш;

- фермерларга сервис хизмати кўрсатувчи муқобил МТПларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида узоқ муддатли (7-10 йил) кредитлар билан таъминлаш, шунингдек уларни лизинг асосида қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлашда имтиёзлар бериш ва бошқалар жорий этилиши лозим.

- фермер хўжаликлари аъзолари ва раҳбарияти ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳуқуқий асосга қўйиш талаб этилмоқда. Фермер хўжалиги аъзоси бугунги кунда ўзини собиқ жамоа хўжалиги аъзоси каби сезмоқда ва у мулкӣ ҳуқуқларини кўп ҳолларда тушуниб етганича йўқ;

- айна пайтда фаолият кўрсатаётган кўплаб фермер хўжаликлари раҳбарларининг иқтисодий, ҳуқуқий ва технологик билимлари талаб даражасида эмас. Мамлакат миқёсида фермерларни ўқитиш ва малакасини ошириш бир тизимга солинмаган.

Фермер хўжаликларига сервис хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий муаммолар:

- бугунги кунда тарқатилган ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган фермер хўжаликларига техника сервисини йўлга қўйиш мақсадида муқобил машина трактор парклари тузилмоқда. Муқобил машина трактор паркларидаги мавжуд қишлоқ хўжалик техникалари эскирганлиги, турлари камлиги сабабли фермерлар талабини қондира олмаяпти. Фермерларга хизмат кўрсатиш учун ташкил этилган муқобил МТПларга техника ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш мақсадга мувофиқ;

- техника сервиси хизмати бозорида рақобат муҳитини вужудга келтириш мақсадида хусусий ёки фермерларнинг ўзаро кооперативи шаклидаги техника сервис корхоналари ташкил қилиш учун кредит, солиқ, техникаларни лизинг асосида олиш борасида бир қатор имтиёзлар яратилиши мақсадга мувофиқ бўлади;

- туманларда ахборот-консалтинг хизмати талаб даражасида йўлга қўйилмаган. Ташкил этилган ахборот-консалтинг марказларининг техник имкониятлари чекланган ҳамда улар малакали кадрлар билан таъминланмаган. Шу билан биргаликда, уларнинг хизмат турлари ҳам кўп эмас. Кўпчилик фермерлар бундай марказларнинг хизматидан фойдаланишни билмайдилар. Бу муаммони ҳал қилиш учун дастлаб ташкил қилинган пайтда ахборот маслаҳат марказларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, малакали кадрларни жалб қилиш, фермерларга бепул хизмат кўрсатишни ташкил қилиш лозим;

- фермер хўжаликларида етиштирилаётган чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олишни бозор талаблари даражасида ташкил этиш лозим. Етиштирилаётган маҳсулотнинг кўп қисми сақлаш, ташиш жараёнларида нобуд бўлмоқда ҳамда сифати бузилмоқда, шу боис ушбу тизимни ривожлантириш зарурати ортмоқда.

- фермерларга хизмат кўрсатувчи банклар фаолияти ҳам талаб даражасида ташкил этилмаган. Айрим қишлоқ жойларда алоқа воситаларининг йўқлиги, талаб даражасидаги биноларнинг етишмаслиги туфайли минибанклар фаолияти йўлга қўйилмаган;

Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун қонуннинг моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ.

5. Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг тегишли нормаларига ва мамлакатимиз Президентининг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қоидаларига мувофиқ, республикамизда фермер хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш, ер-сув ресурсларидан ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишда, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштиришда, аҳоли бандлигини ва фаровонлигини таъминлашда фермер хўжаликларининг ролини кучайтириш бўйича аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, мустақиллик йиллари мобайнида қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Фермерликни ривожлантириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллиги учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар ва кафолатларни яратиб берувчи Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фермер хўжаликларининг ер, сув ва моддий-техника ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмлари муттасил ошиб боришини, фермер хўжаликлари самарадорлиги ва рентабеллиги ўсишини таъминлаш имконини берадиган моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ер майдонларини мақбуллаштириш борасидаги комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Қишлоқда фермер хўжаликларига барча зарур хизматларни кўрсатаётган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг узоқ муддатли ижара мулки қилиб берилиши ва қишлоқда бозор муносабатларининг жорий қилиниши фермер хўжаликларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг энг муҳим омили

ва асоси бўлди, бунинг натижасида ерга ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга ҳақиқий эгалик туйғуси мустаҳкамланди.

Мамлакатда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига ҳамда аграр соҳани ва у билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларни ҳамда ишлаб чиқаришларни янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бормоқда.

Биринчи навбатда гап фермер хўжаликларини янада такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурсларидан ва яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишда, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштиришда, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш тўғрисида бормоқда.

Шуни эътироф этиш керакки, ҳозир амалда бўлган фермерлик ҳаракатини ташкил қилиш ва бошқариш тизими, хусусан, Фермер хўжаликлари уюшмаси ва унинг ҳудудий тузилмалари фаолияти қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш жараёнларига ҳамда фермерлик олдида турган вазифаларни тезкорлик билан ҳал қилишга суст таъсир ўтказмоқда.

Ҳозирги шароитда фермерлик ҳаракати олдида турган жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, мамлакат аграр секторини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг, аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг муҳим бўғини сифатида фермер хўжаликларининг роли ва аҳамиятини ошириш вазифаларининг фермерлик ҳаракати томонидан рўёбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида:

- қишлоқда ижара муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш,

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг етакчи бўғини ва шакли сифатида фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимоя қилиниши ва самарали фаолият юритишини таъминлаш;

- фермерликни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, фермер хўжаликларининг ўзини ўзи бошқариш таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш;

- фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, фермерларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалик хомашёсини комплекс қайта ишлаш, шунингдек, қишлоқда янги ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил қилиш ҳамда ривожлантириш ҳисобига механизациялаш даражаси ва рентабелликни оширишдан манфаатдорлигини рағбатлантириш.


- фермерликни ривожлантириш, фермер хўжаликларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг мулкӣ муносабатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонунӣ манфаатларини ҳимоя қилиш, жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, шунингдек судларда ишлар кўриб чиқиладиганда;

- фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва қайта ташкил этишда, уларга ер майдонларини узоқ муддатли ижарага ажратиб беришда ошкоралик, очиқлик ва қонунӣлик тамойилларини таъминлаш мақсадида жамоат назоратини амалга ошириш;

4-расм

Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



- кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришда, сувни тежайдиган самарали технологияларни, биринчи навбатда томчилатиб суғоришни, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини уларнинг фаолиятига татбиқ этишга кўмаклашиш;

- қишлоқда ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехник ҳамда бошқа масалалар бўйича консалтинг марказлари тармоғини, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фермер хўжаликлари кооперациясининг турли шаклларини ташкил этиш ва кенгайтиришга кўмаклашиш.

«Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонда асосан томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган юридик шахсларнинг 5 йил муддатга ягона ер солиғидан озод этилиши белгилаб қўйилган. Бу норманинг тегишли қонунларда ўз аксини топиши қишлоқ

хўжалиги ишлаб чиқаришида замонавий суғориш тизимлари инфратузилмасини яхшилашга хизмат қилади.

Бу ўз навбатида Солиқ ва Ер кодекслари, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунларига замонавий суғориш тизимини жорий этган юридик шахсларга турли имтиёзлар берилишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишни талаб этади.

ҲУҚУҚИЙ ҚИСМ

Фермер хўжагининг ҳуқуқий, иқтисодий асослари, уларни ташкил этиш тартиби

Ўзбекистон республикасининг Президенти ва ҳукумати фермерликга оид бўлган жаҳон тажрибаси, мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда республикада фермерликни босқичма-босқич ривожлантириш жараёнини амалга оширмоқда.

Даставвал, Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатлари яратилди. Жумладан, - 1998 йилда “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги ПФ – 3342 – сонли фармони;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сонли қарори;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги “2004-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 607-сонли қарори;

- қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалигини ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисидаги Низом (2005 йил 4 январ) ва бошқалар. Асосан шу ҳужжатларга қатъий риоя этган ҳолда қишлоқ ҳудудларида фермер хўжаликлари ташкил этила бошлади. Мустақиллик йилларининг дастлабки даврида деҳқон, фермер хўжаликлари ҳақида аниқ тушунча бўлмаган эди. Бу ҳол 1998 йилда “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни қабул қилиши билан ечилди. Шу қонуннинг 5-моддасида Фермер хўжалиги аксарият ҳолларда ортиқча меҳнат ресурслари бўлмаган

ерларда ва ҳудудларда ташкил этилади. Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа маҳсулотларни етиштириш учун эса 1 гектарни ташкил этади.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 та шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам миқдори бир шартли бош чорва молга ҳисобланганда Фарғона водийси вилоятларига, Тошкент, Самарқанд ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, қолган вилоятларда. Қорақалпоғистон Республикасида эса 0,45 гектарни, суғорилмайдиган ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этиши, Низомда эса аниқ ер участкалари (контурлар) берилиши кўрсатилган. Булар мамлакатда фермерликни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ташкил этиш қуйидаги икки хил тартибда амалга оширилмоқда:

- биринчиси, меҳнат ресурслари бўлмаган ёки кам бўлган ерларда ва ҳудудларда:

- иккинчиси, уч йил давомида рентабеллик даражаси паст бўлган ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилади. Иккала усулда ҳам фермер хўжалигини уни бўлажак раҳбари ташкил этади. У ўзининг мол-мулкини кўрсатиши зарур. Фермер хўжалигининг иқтисодий негизини унинг мол-мулки ташкил этади, унга қуйидагилар киритилиши мумкин:

Бинолар иншоотлар, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорларни, дов-дарахтлар, чорва моллари, паррандалари, мавжуд бўлган барча қишлоқ хўжалик техникалари, инвентарлари, асбоб ва ускуналари, транспорт воситалари, етиштираётган барча маҳсулотлари, уларни сотиш ва хизмат

кўрсатишдан олинаётган барча маблағлари, фойдаси, интеллектуал мулки ва бошқалар. Сўнг бўлажак аъзолар билан келишган ҳолда тасдиқлаб олади.

Фермер хўжалигининг устави Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган, “Намунавий Устав” асосида тузилиб, қуйидагиларни қамраб олган бўлиши керак:

- фермер хўжалигининг номи;
- фермер хўжалиги бошлигининг фамилияси, ўзининг ва отасининг исми ва яшаш жойи;
- фермер хўжалигининг жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотлар ва почта манзили;
- фермер хўжалигининг ихтисослашуви ва фаолиятининг асосий турлари, йўналишлари;
- унинг устав фондининг миқдори ва бошқалар.

Фермер хўжалигининг уставига асосланган ҳолда унинг бизнес-режаси ишлаб чиқилади. Сўнгра фермернинг раҳбари белгиланган тартибда талаб этилган ер участкасини олишга киришади. Биринчи усулда фермер раҳбари ер олиш учун қандай хўжалик ҳудудида жойлашишини эътиборга олган ҳолда, унинг ширкат раҳбарига, тугатилаётган ширкат хўжаликларида эса эса тендер ўтказувчи комиссиясининг раҳбарининг номига ариза беради. Аризалар белгиланган тартибда, муддатда кўриб чиқилади. Унда фермернинг, хўжалигининг барча имкониятлари; мутахассислиги, маълумоти, тармоқдаги иш стажи, пул маблағлари, мавжуд бўлган яроқли техникалари ҳамда раҳбарнинг билими, қобилияти, дунёқараши, маънавиятли, мафкуралик ва бошқа қобилиятлари эътиборга олинади. Шундай хусусиятларга ва имкониятга эга бўлган фуқароларга талаб этилган ерни 30 йилдан 50 йилгача бўлган муддатга ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бу қарорлар вилоят ҳокими раҳбарлигидаги комиссия томонидан белгиланган муддатда, тартибда кўриб чиқилиб қарор қабул қилиниши шарт. Бу бир қанча муаммоларни вужудга келтирмоқда. Бўлажак фермерлар масофанинг

узоқлиги муносабати билан ортиқча вақт, маблағ сарфламоқдалар. Масалан, 2005 йилда ташкил этилаётган фермерларнинг 99.7 фоизига туман ҳокимларининг, 99.6 фоизига вилоят ҳокими томонидан тузилган комиссиянинг қарорлари берилган. Шундан сўнг фермер хўжалигини рўйхатдан ўтказиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг ташкил этилган деб ҳисобланади. У тўлиқ юридик шахс мақомини олиш учун ўзи алоқа қиладиган банкларда турли хилдаги ҳисоб ва рақамларини очиши, туманнинг солиқ, статистика ташкилотларида рўйхатдан ўтиб, ўз муҳрига, бланкаларига эга бўлиши керак. Шундан сўнг фермер хўжалиги тўлиқ фаолият юритадиган юридик шахс мақомига эга бўлади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси ва шароитнинг ўзига хослиги

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши замонавий техника билан жиҳозланганлиги, яъни унинг техника ва технологиянинг такомиллашиб туриши, ишлаб чиқариш жараёнининг интенсивлашуви, программалаштириш, ҳосилни юқори сифат даражасида топшириш билан фарқ қилади. Бунда ишларнинг даврийлиги ва мавсумийлиги, фойдаланилаётган энергиянинг турлилиги (механик, иссиқлик, электр, ёруғлик ва бошқалар), материал ва моддалар (каттик, суюқ, газсимон)нинг ҳар хиллиги, йиғиштирилаётган ҳосилнинг об-ҳаво ва бошқа сабабларга боғлиқлигини, меҳнат шароитларини меъёрлаштиришда ҳисобга олиш керак.

Меҳнат шароитларини яхшилаш ишлари бир қанча омилларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Барча ишлаб чиқариш омиллари қуйидагиларга бўлиниши мумкин: ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, табиий-иқлим, иқтисодий.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат хавфсизлигини ташкил этиш ва унинг тузилиши

Меҳнат хавфсизлиги бўйича ташкилий ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни, унинг умумий комплексини бошқариш, шунингдек меҳнат хавфсизлиги бўйича коида ва меъёрларга риоя ҳамда назорат қилишни ва меҳнат конунчилигини махсус хизмат органлари олиб боради.

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги гуруҳи иш олиб боради. Туманларда қишлоқ хўжалиги бошқармаларида — меҳнат муҳофазасига ва техника хавфсизлигига катта муҳандислар, давлат корхоналари ва жамоа хўжаликларида техника хавфсизлигига катта муҳандислар жавоб берадилар. Ўзбекистон Республикаси меҳнат муҳофазаси қонунига асосан давлат

корхоналари ва жамоа хўжаликларида штат рўйхати бўйича техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги бўйича катта муҳандис лавозими тайинланади. Агар хўжаликда ишчилар сони 50 дан ортиқ бўлса ва уларга хизмат кўрсатаётган транспорт воситалари 50 дан ортиқ бўлса, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкил қилинади. Хўжаликларда штат асосида техника хавфсизлиги бўйича муҳандисни ишга олиш мумкин бўлмаса, у ҳолда техника хавфсизлиги ишларини ва улар кўрадиган чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси бош мутахассислар зиммасига буйруқ билан юкланади. Мехнат хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш участкалари ва хўжаликдаги жавобгар шахсларни асосий иш йўналишлари берилган.

Ташкилий ишларга: йўл-йўриқлар бериш, ишчиларни махсус кийимлар ва шахсий ҳимояланиш воситалари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш участкаларини ва ёнғиндан хавфли жойларни бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш, меҳнат хавфсизлиги бўйича режа ва тадбирларни ишлаб чиқиш, хавфсиз меҳнат бўйича курс ўқишларини ташкил қилиш, техника хавфсизлиги бўйича ишчиларни аттестациядан ўтказиш, участкалар ва хавфли иш турлари жойларида жавобгарликни тақсимланиши, техника хавфсизлиги бўйича хона ва бурчакларни ташкил қилиш, техника хавфсизлиги бўйича ёзув ва огоҳлантирувчи белгиларни осиб қўйиш, хўжаликдаги барча йўлларга йўл ҳаракати белгиларини ўрнатиш, меҳнат шароитларини паспортизация қилиш, бахтсиз ҳодисаларни текшириш, жароҳатланиш ва касалликлар сабабини таҳлил қилишлар киради.

Иш шароитларини яхшилашга: хонапарнинг иситилишини яхшилаш, намликни, ёритилганликни меъёрлаштириш, елвизакларни йўқотиш, хоналардаги зарарли газлар миқдорини камайтириш, чангишини олдини олиш, шовқин ва титрашларни камайтиришлар киради.

Техника хавфсизлигини такомиллаштиришга: тўсиқларни яхшилаш, ҳимояловчи воситалар, автоматик сигнализация ва блокировкаларни ўрнатиш, қозонхоналар ва юк кўтарадиган механизмлар синовини ва

хужжатлаштиришни вақти-вақтида ўтказиш, электр қурилмаларни ерга улаш ҳолатини вақтида назорат қилиш; асбоб ва ускуналарнинг созлиги ва ҳолатини текшириш, машина ва механизмларнинг ишлашини кузатиш ва шахсий ҳимоя воситалари билан мустаҳкам таъминлаш киради.

4. Меҳнат хавфсизлиги ҳолатини назорат қилиш уч йўналиш бўйича олиб борилади:

а) бошқарма томонидан: давлат энергетика назорати инспекцияси; вилоят ва туманлардаги қишлоқ хўжалиги бошқармаларидаги меҳнат хавфсизлиги бўйича муҳандислар; ёнғин бўйича инспектор ва санитария инспекцияси назорат қилинади;

б) касаба уюшмаси томонидан: касаба уюшмасининг меҳнат бўйича техник инспекцияси ва меҳнат хавфсизлиги бўйича касаба уюшмасидаги комиссия назорат қилади;

в) маъмурият томонидан: техника хавфсизлиги бўйича муҳандис, бош мутахассислар, ишлаб чиқариш участкаси раҳбарлари ва участкаларда меҳнат хавфсизлиги бўйича жамоа инспекторлари назорат қилади.

Меҳнат хавфсизлиги ишларини ташкил этишдаги мутахассис ҳамда раҳбар шахсларнинг ҳуқуқ ва вазифалари

Хўжалик раҳбарлари ўз фаолиятида меҳнат хавфсизлиги бўйича иш жойларида соғлом ва хавфсиз иш шароитларини яратиб беришлари учун қуйидаги асосий вазифаларни бажаришлари керак: амалдаги стандартларга (андозаларга), меҳнат хавфсизлиги ва ёнғинга қарши сақланиш меъёр ва қоидаларига риоя қилиш, ишлаб чиқаришга илғор тажриба ва меҳнат хавфсизлигини бошқариш тизимини жорий қилиш, ҳар йили мансабдор шахслар ичидан буйруқ билан ҳар бир тармоқда меҳнат хавфсизлигига, уни ташкил қилишга ва ёнғинни олдини олиш ишларига жавобгар шахс тайёрлигини; шунингдек, меҳнат хавфсизлиги хизматчиларини штатини тўлдириб туриш, унинг режаларини тасдиқлаш ва ишга раҳбарлик қилиш, меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларни ўз жойларида иш ва улар

томонидан ишларни тез бажаришлиги учун транспорт воситаси ажратиш, жамоа шартномасини (жамоа хўжаликларида меҳнат хавфсизлиги ва социал масалалар бўйича битим) тузиш; меҳнат хавфсизлиги бўйича чора-тадбирларни, ёнғинни олдини олиш ва уларни моддий воситалар билан таъминлашлари шарт.

Тиббий профилактика чора-тадбирларини ташкил қилиш

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 17-моддасига асосан, корхона соғлиқни сақлаш идоралари томонидан белгиланган тартибга мувофиқ равишда бир катор касб ва ишлаб чиқариш ходимларини меҳнат шартномасини имзолаш пайтида меҳнат шартномасига амал қиладиган даврда вақт-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт. Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бош тортишга ҳақли эмаслар. Ходимлар тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортсалар ёки ўтказилган текшириш натижалари бўйича тиббий комиссиялар берадиган тавсияларни бажармасалар маъмурият уларни ишга қўймаслик ҳуқуқига эга. Агар ходим, ўзининг саломатлиги ёмонлашишини меҳнат шароити билан боғлиқ деб ҳисобласа, навбатдан ташқари тиббий кўрик ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тиббий кўрикдан ўтказиш пайтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади. Даврий кўриклар мудлати ишларнинг хусусиятига қараб белгиланади (уч ойдан сўнг, ярим йилда, бир йилда ва икки йилда). Бу кўрсатилган кўриклардан ташқари транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ҳар куни ишдан олдин ва кейин тиббий кўрикдан ўтадилар. Касб касалликлари профилактикасида даволовчи-профилактик овкатланишга кенг ўрин берилган, бу эса зарарлар таъсирини йўқотиш мақсадида олиб борилади.

Пестицидлар, минерал ўғитлар ва бошқа заҳарли моддалар билан ишлаганда бепул сут ва ҳимояловчи малхам дорилар Давлат санитария Бош врачлари ва соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тиббий кўрсатмаларга асосан берилади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат оғирлигини

ҳисобга олган ҳолда хўжаликларда соғлиқни тиклаш пунктлари ташкил қилинади, уларга дам олиш хоналари, даволовчи, физкультура ва физиотерапия бўлимлари киради. Ишлаб чиқариш гимнастикасига алоҳида эътибор берилади.

Меҳнат муҳофазаси чора-тадбирларини бажарилишини амалга оширилишида ҳисоб-иқтисод хизмати бўлимларига алоҳида ўрин ажратилган. Уларга чора-тадбирларни оқилона режалаштириш, маблағ билан таъминлаш, маблағни сарфлаш, асосий ва қўшимча чора-тадбирларга маблағ ажратиш, маблағларни мақсадга мувофиқ сарфланишини, ишлатилишини, шунингдек, ҳисоб-китоб устидан назорат олиб бориш, шахсий ҳимоялаш воситаларини ҳисобга олиш, сақлаш, режалаштириш ҳамда бошқалар киради.

ХУЛОСАЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

1. Янги таҳрирдаги “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида, “Фермер” хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир”, деб тушунча берилган. Ҳозирги даврда фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигида хўжалик юритувчи субъект сифатида кичик, тадбиркорлик вакили ҳисобланади.

2. Бугунги кунга келиб фермер хўжаликлари қуйидаги ривожланиш босқичларини босиб ўтди:

- 1991-1998 йилларда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва фаолият юритишнинг асосий меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.
- 1998-2000 йилларда зарар билан фаолият кўрсатаётган ширкат хўжаликларини тугатиш, улар негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёни ривожланди.
- 2003 йилдан фермер хўжаликларини устувор йўналиш сифатида ривожлантириш белгиланди.
- 2008 йилдан бошлаб фермер хўжаликларининг ер участкаларини мақбуллаштириш жараёни амалга оширилиб, уларни иқтисодий барқарор фаолият кўрсатишига замин яратилди.

• 2012 йилдан бошлаб кўп тармоқли ишлаб чиқаришни жорий этиш.

3. Тадқиқотлар кўрсатишича, республикамизда фермер хўжаликлари ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни қуйидаги йирик гуруҳларга ажратиш мумкин,

- ер-сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий муаммолар;
- фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъмин этиш юзасидан пайдо бўлаётган ташкилий-иқтисодий муаммолар;

- фермер хўжаликларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар;
- фермер хўжаликларига сервис хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий муаммолар;
- фермер хўжаликлари ҳуқуқий онгини ошириш ва шартнома муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар.

4. Фермер хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва экинларни алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш имкониятини яратиш мақсадида шахсан Президентимиз И.А.Каримов ташаббуслари билан, фермерлар ер участкаларини оптималлаштириш бўйича 2008-2010 йилларда кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Фермер хўжаликлари ер майдонлари кенгайиши ҳисобига уларнинг сони камайиб бормоқда. Жумладан, 2010 йилга келиб фермер хўжаликларининг сони 2008 йилга нисбатан 41247 тага ёки 61,5 фоизга қисқарган. Агар барча турдаги фермер хўжаликлари бўйича ер майдонининг кенгайиши 168,4 % ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида 150,7 %, узумчилик ва мевачилик бўйича 206,3 % га, сабзавот, полиз ва картошкачиликда 155,4 % га, чорвачиликда 143,5 % га ва бошқа турдаги маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларида эса 211,7 % ни ташкил қилган.

5. «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонда суғорма деҳқончиликда суғоришнинг илғор техноологияларидан фойдаланишни рағбатлантириш алоҳида кўрсатилган. Хусусан, асосан томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган юридик шахсларнинг 5 йил муддатга ягона ер солиғидан озод этилиши белгилаб қўйилган. Бу норманинг тегишли қонунларда ўз аксини топиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида замонавий суғориш тизимлари инфратузилмасини яхшилашга хизмат қилади.

Бу ўз навбатида Солиқ ва Ер кодекслари, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунларига замонавий суғориш тизимини жорий этган юридик шахсларга турли имтиёзлар берилишини назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилишни талаб этади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан ҳойдаланиш тўғрисида”ги қонуни. 1993.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. 1998.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». 1998.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекси. 1997.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик қорхоналарини санақия қилиш тўғрисида» ги қонуни. // Солиқ тўловчининг журнали, -Тошкент, -1997. -№ 5. –Б. 21-26.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни. // Солиқ тўловчининг журнали, Тошкент, -1998. -№7-8. –Б. 21-25.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» ги фармони. // Халқ сўзи. 2003 йил 25 март.
9. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида» ги фармони. // Солиқлар ва божхона ҳабарлари, - Тошкент, 2003. - № 48 (488).
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни қўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. // Тошкент оқшоми, 2008 йил 22 октябрь.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чор-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 29 октябрдаги фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ПФ – 3226 сонли фармони.
13. «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони
14. Каримов И. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., Ўзбекистон, 2005.
15. Каримов И. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т., Ўзбекистон, 2009.
16. Каримов И. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Т., Ўзбекистон, 2010.
17. Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т., Ўзбекистон, 2010.
18. Каримов И.А. “2012 йил Ватанамиз тарраққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. ”Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19 январдаги маърузаси. Қишлоқ ҳаёти рўзномаси 20 январ 2012 йил №9-10 сон.
19. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз кенг кўламли ислохот ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. Халқ сўзи, 2013 йил, 19 январь.
20. Абдурахимов И.Л., Умурзоқов У. П. Сув хўжалиги менежменти. Т. “Иқтисод-молия”. Т.: 2008.

21. Султонов А.С., Умурзаков Ў.П., Рашидов Ж.Х. Сув хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. –Т.: 2008.
22. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, -2004. –30 б.
23. Муродов Ч. Аграр ислохот ва қишлоқ иқтисодиётини ривожлантириш. // Ўзбекистон Иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 1999. -№ 7. – Б. 12-15.
24. Муқимов З.М. Сервис хизмати зарур. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 1999. - №3. – Б. 15-16.
25. Муқимов З.М. Фермер хўжаликлари ва шартнома хизмати. // Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 1999. -№5. – Б. 41-44.
26. Муқимов З.М. Фермер хўжаликларида хизмат кўрсатиш ва моддий-техника таъминоти тизимини ривожлантириш. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 1999. -№6. – Б.28.
27. Пайариқ тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари, 2008-2012 йиллар.
28. Интернет материаллари:
www.stat.uz,
www.min.eco.uz,
www.qxsv.uz